

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

| | |
|---|----|
| А.Рафиқов, А.Сотволдиев Параболо - гиперболик тенглама учун нолокал шартли масала..... | 5 |
| И.Неъматов, С.Кукиева Предикатлар ва кванторлар ёрдамида теоремаларни тузиш | 11 |
| М.Азизов, С.Рустамова Бернулли тенгламасига келтириб ечиладиган биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи..... | 13 |

КИМЁ

| | |
|---|----|
| А.Ибрагимов, Ю. Исақов, О.Йигиталиева, А.Иброҳимов Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган мева шарбатлари ҳамда меваларнинг анализини ўтказиш услубиёти..... | 17 |
| Ю.Исаев, С.Рустамов, И.Асқаров, Н.Тўлаков Глициррининг кислотасининг таркибида мочевино бўлган ҳосилаларини синтез қилиш | 21 |

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

| | |
|---|----|
| Р.Максудов “Балиқчилик инновацион маркази” фаолияти ва балиқчиликнинг истиқболлари..... | 24 |
|---|----|

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

| | |
|---|----|
| И.Зокиров, С.Исроилжонов Ҳашаротларнинг ўсимликка таъсир кучини аниқлаш мезонлари | 27 |
|---|----|

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

| | |
|--|----|
| Н.Рахмонов Таълим хизматлари сифатини бошқаришнинг назарий асослари | 31 |
| М.Мўйдинов Агросаноат мажмуасида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириш принциплари..... | 35 |

ТАРИХ

| | |
|--|----|
| Б. Усмонов XV асрнинг 70-йилларида Фарғона | 39 |
| Н.Режаббоев Наманган уездига “овқатланиш пункт”ларининг фаолияти | 43 |
| А.Нурматов XX асрнинг 80-йилларида енгил ва озиқ-овқат саноати моддий-техника базасининг айрим ҳолатлари хусусида (Фарғона водийси мисолида)..... | 49 |
| М.Мансуров Фарғона водийсида қишлоқ туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва имкониятлари | 55 |
| Х.Юнусова, У.Усаров Фарғона водийси деҳқончилик маданияти ва аъналарини ҳақида баъзи мулоҳазалар..... | 58 |

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

| | |
|---|----|
| Т.Абдуллаев Инсон эҳтиёжларининг шаклланиш хусусиятлари | 62 |
|---|----|

УДК: 94(575.12):36(04)

XX АСРНИНГ 80 - ЙИЛЛАРИДА ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИНГ АЙРИМ ҲОЛАТЛАРИ ХУСУСИДА (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)

А.Нурматов

Аннотация

Мақолада XX асрнинг 80-йилларида энгил ва озиқ-овқат саноатининг моддий-техник базаси ҳолати, корхоналарнинг техника ва технологиялар билан таъминланиш масалалари, ишлаб чиқариш суръатлари, маҳсулотларнинг сифат даражаси Фарғона водийси мисолида ёритиб берилган.

Аннотация

В статье на примере Ферганской долины освещено состояние материально-технической базы легкой и пищевой промышленности, вопросы технического и технологического обеспечения предприятий, темпы производства, качество продукции в 80-е годы XX века.

Annotation

The article illustrates the situation of the material and technical base of the light and food industries, the issues of technical and technological support of enterprises, the pace of production, the quality of products in the 80s of the XX century in the Ferghana Valley

Таянч сўз ва иборалар: энгил саноат, озиқ-овқат саноати, оғир саноат, моддий-техник база, маҳсулот, ишлаб чиқариш, техника ва технология, сифат, корхона.

Ключевые слова и выражения: легкая промышленность, пищевая промышленность, тяжелая промышленность, материально-техническая база, продукция, производство, техника и технология, качество, предприятие.

Key words and expressions: light industry, food industry, heavy industry, material and technical base, products, machinery and technologies, quality, enterprise.

Шўро даврида Ўзбекистонда бир қатор саноат тармоқлари ишга туширилди. Хусусан, энгил ва озиқ-овқат саноатида Чимбой ёғ заводи, Тошкент трикотаж фабрикаси, Наманган сунъий тола заводи, Янгийўл тикувчилик фабрикаси, Бухоро, Учқўрғон ва Қўқон ёғ заводлари, Тошкент чинни корхонаси, Наманган консерва заводи, Шаҳрисабз гўшт комбинати, Урганч, Наманган ва Навоий сут заводлари, Хива гилам фабрикаси, Косон ёғ-мой заводи, Наманган, Андижон, Тошкент, Фарғона ва Қўқон пойафзал ишлаб чиқариш фабрикалари шулар жумласидандир.

1980 йилларда бир қатор саноат тармоқларида қўл меҳнатининг улуши 40-70 фоизни ташкил қилди. Ҳатто, республика энгил саноатининг гиганти ҳисобланган Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатларида ҳам техника билан таъминланиш даражаси 50 фоиздан ошмаган [1,504]. Ўзбекистон ҳудудида қурилган ва маълум даражада аҳамиятлироқ бўлган саноат корхоналарининг 30 фоизи Иттифоқ тасарруфида, 60 фоизи Иттифоқ - республика тасарруфида бўлиб, уларнинг барчаси марказга бўйсунган. Фақат иқтисодиётда ҳал қилувчи ўрин тутмаган 10 фоиз саноат корхонаси бевосита Ўзбекистонга бўйсунган [2,11-12]. Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистонда қурилган саноат корхоналарининг ярмидан ортиғи энгил ва озиқ-овқат тармоқларига тўғри келган бўлса-да, аҳолининг ушбу тармоқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмади. Бу йилларда саноатни ривожлантириш бўйича кўплаб қарорлар қабул қилинишига қарамасдан, уларнинг бажарилиши охирига етказилмади. Масалан, 1960 йилларда энгил саноатда янги техника ва технологияларнинг жорий этилиши бўйича тадбирлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилган. Айнан шу йилларда Қўқон ип-йигирув комбинатида 125 та чет эл ускунаси ўрнатилди, 270 та ускунанинг қайта таъмир қилиниши натижасида иқтисодий самарадорликка эришилди. Шунга қарамасдан, комбинатга 1961 йилда келтирилган ЧМ-450 тўқув машиналари бинонинг йўқлиги сабабли ишлатилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган [3, 76]. Бинони қураётган ташкилот ишларни тўхтатиб қўйгани натижасида катта маблағ эвазига олиб келинган дастгоҳлар бекор туриб қолган ва комбинат бундан катта зарар кўрган.

Саноат корхоналари моддий-техник базасининг янгиланиб бориши натижасида бир қатор фабрикаларда маълум ютуқларга эришилган. Наманган пойафзал фабрикасига 1981 йил январь-июнь ойларида 44 минг сўм капитал маблағ киритилган бўлиб, бу вақт давомида қўшимча 32 минг сўмлик 39 та дастгоҳ ўрнатилган. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришга янги 36 та маҳсулот тури киритилган ва 70 фоиз маҳсулот

А.Нурматов – ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти.

янгиланган. Бу эса, ўз навбатида, 1,5 йил давомида режадан ортиқ 261 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлади. 1985 йилда биринчи навли маҳсулот режаси 906,2 минг жуфт бўлгани ҳолда, амалда 923 минг жуфт ишлаб чиқарилди. 1986 йил 1 январь ҳолатига кўра, фабрика 903 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариб, фойдали иш коэффиценти 99,9 фоизга тенг бўлган. 1986 йили маҳсулот турларини кўпайтириш учун махсус дастур ишлаб чиқилиб, 1986 йил августигача дастурдаги 7 та лойиҳа амалга оширилган [4, 18].

Қўқон мебель фабрикаси 1984 йил режасига кўра 5400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ҳолда, технологик линияларни янгилаш эвазига амалда 5412 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Яъни, режадан ортиқ 12 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш 1983 йилга нисбатан 114,7 фоизни ташкил этди [5, 83]. Наманган мебел фабрикаси эса 1984 йилда режани 100 фоизга бажариб, 1983 йилга нисбатан ўсишни 104,6 фоизга, маҳсулот тури бўйича режани 100,3 фоизга бажариб, ўсиш суръатини 108 фоизга етказган. 1984 йил учун киритилган сармоя 112,3 фоизга ўзлаштирилган, асосий фондлар 157,7 фоизга бажарилган. Маҳсулотнинг умумий қиймати режадаги 16 фоиздан амалда 17,4 фоизга [6. 1] бажарилди. Сифатли истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда Қўқон пойафзал фабрикаси, Наманган ва Марғилон ипак комбинатлари жамоалари, айниқса, яхши натижаларга эришган. Ҳатто, “Қизил тонг” ишлаб чиқариш бирлашмаси 1984 йилда олий тоифадаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда эришган ютуғи учун ВЦСПС ва Госстандарт дипломи билан тақдирланди [7, 9].

Лекин, кўплаб корхоналарда режаларнинг миқдор жиҳатдан бажарилишига қарамасдан, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борган. Масалан, Қўқон пойафзал фабрикасида 63455 жуфт оёқ кийимлари текширилганда, 19251 жуфти ёки 30 фоизи стандартга мос эмаслиги аниқланган [8, 78]. Шунингдек, Тошкент, Фарғона савдо омборларида ва 2 та магазинда ўтказилган текширувда ҳар иккинчи пойафзал яроқсиз, деб топилган. Қўқондаги 38-сонли, магазинда “Н” индексли аёллар пойафзали стандартга мос эмас, деб топилган [9. 80]. Фарғона пойафзал фабрикасида 14та текширув натижаларига кўра, 7570 жуфт пойафзалдан 2406 жуфти, яъни ҳар уч пойафзалдан бири стандартга жавоб бермаслиги аниқланган [10, 81].

Андижон, Фарғона, Бухоро пойафзал фабрикаларида 15 моделдаги пойафзал маҳсулотларидан айримлари 5 фоиз, айримлари 100 фоизгача талаб даражасида эмаслиги аниқланган [11.85]. Фарғона тўқимачилик комбинатининг 1987 йил учун мато ишлаб чиқариш режаси 1733 минг метр бўлиб, амалда 1633 минг метр ишлаб чиқарилган. 1987 йил 1 июль ҳолатига кўра қайта ишланган қолдиқлар 1025 минг метрни ташкил этган [12, 77]. Андижон ип, газлама комбинатида технологик ишлаб чиқариш даражасининг кўтарилиши натижасида маҳсулотнинг сифати йил бошидаги 20-30 фоиздан 75-80 фоизга кўтарилди. Аммо ишлаб чиқариш қуввати йиғиришда - 51 фоизга, тўқишда - 61 фоизга банд қилинган [13, 28] холос.

Саноат корхоналарининг моддий-техник базаси етарли даражада таъминланмагани хусусида бир неча бор танқидий фикрлар билдирилган. Хусусан, Ўзбекистон Компартияси XXI съездида корхоналарни қайта таъмирлаш ишлари жуда ёмон олиб борилаётгани, кўпгина корхоналарда шу мақсад учун ажратилган капитал маблағларнинг атиги чорак қисмидан фойдаланилаётгани, республика халқ хўжалиги асосий фондларининг қарийб ярми маънавий жиҳатдан эскиргани, енгил саноат корхоналарининг моддий-техник таъминотининг кўпгина масалалари ҳал этилмай қолаётганлиги танқид қилинган [14, 10]. Бироқ, бу танқидларга қарамай тегишли қарорлар бажарилмаган ёки охирига етказилмаган. Бунинг оқибатида корхоналарда режаларни бажармаслик, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш давом этган. Масалан, Марғилон атлас фабрикаси 1987 йилда 143,6 минг сўмлик маҳсулот етказиб бермаган, бунинг асосий сабаби 1936 йилда ўрнатилган тўқув дастгоҳлари ишлаб чиқариш қувватининг пастлиги ва яроқсизлиги эди [15, 78]. Қолаверса, кўплаб корхоналарда эскириб қолган моделлар ва турлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришнинг давом этаётгани ва улар сотилмай, омборларда сақланиб қолиш ҳоллари мавжуд эди.

Агар 1980 йилда саноат асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши 36 фоизни ташкил этган бўлса, 1988 йилга келиб бу кўрсаткич 45 фоизга етди [16, 88]. Бу, саноат корхоналаридаги ҳар икки меҳнат воситасидан деярли биттаси эски демақдир, табиийки, бундай вазият ишлаб чиқариш суръатига салбий таъсир кўрсатган, албатта.

Қуйидаги жадвалда 1975-1986 йилларда саноат корхоналари дастгоҳлари ва технологик линияларининг янгиланиш даражаси акс этган:

ТАРИХ

1-жадвал. Саноатда асосий фондларнинг янгиланиш ва чиқиб кетиш коэффициентлари [17. 6]

| Саноат тармоқлари | янгиланиш коэффициенти | | | | | чиқиб кетиш коэффициенти | | | | |
|--------------------|------------------------|---------|---------|---------|---------------------|--------------------------|---------|---------|---------|---------------------|
| | 1975 й. | 1980 й. | 1985 й. | 1986 й. | 1975-1986 й. ўртача | 1975 й. | 1980 й. | 1985 й. | 1986 й. | 1975-1986 й. ўртача |
| Енгил саноат | 0,069 | 0,130 | 0,116 | 0,056 | 0,093 | 0,024 | 0,023 | 0,016 | 0,030 | 0,023 |
| Озиқ-овқат саноати | 0,081 | 0,094 | 0,102 | 0,065 | 0,085 | 0,018 | 0,015 | 0,019 | 0,026 | 0,019 |

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, саноат фондларининг янгиланиш коэффициентларида ўсиш кузатилса-да, чиқиб кетиш коэффициенти анча паст бўлган. Бу, шундан далолат берадики, корхоналардаги техника ва технологияларнинг маълум қисми янгиланган ҳолда аксарият қисми алмаштирилмаган.

2-жадвал. Саноат корхоналарида автоматлашган линиялар комплекси

| Тармоқлар | Йиллар | | | |
|--------------------|--------|------|------|------|
| | 1971 | 1981 | 1985 | 1987 |
| Енгил саноат | 3 | 9 | 11 | 15 |
| Озиқ-овқат саноати | 83 | 77 | 91 | 116 |

Жадвалда саноат корхоналарида автоматлашган линиялар миқдорининг ошганига қарамасдан, бу борадаги ишлар етарли бўлмаганини, озиқ-овқат саноатида эса ҳолат бирмунча яхши эканини кўриш мумкин. Шундай бўлса-да, автоматлашган линиялар маҳсулот ишлаб чиқаришда етарлича ўз аксини топмаган.

1987 йилда республиканинг барча саноат тармоқларида комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган участка, цехлар ҳамда корхоналар сони 3775 тадан ошган. Енгил саноатда бундай корхона, цех ва участкалар сони 1377 тага, озиқ-овқат саноатида эса 550 тага етди [18, 58]. Агар республикадаги саноат корхоналарининг ярмидан ортиғини енгил ва озиқ-овқат саноати ташкил этганлиги инобатга олинса, юқоридаги кўрсаткич ушбу соҳалар учун етарли бўлмаганлиги маълум бўлади. 1980 йиллар охирида Ўзбекистон енгил саноатида 71 та корхона, шу жумладан 10 та ип-газлама ва жун тармоғига қарашли корхона, 11 та трикотаж, 12 та тикувчилик фабрикаси, 11 та шойи ҳамда нотўқима материаллар ишлаб чиқарувчи, 22 та чарм пойафзал, 3 та чинни корхоналари фаолият юритган [19, 36] бўлса-да, улар аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли бўлмаган. Шунинг учун ҳам енгил саноат маҳсулотларининг маълум қисми четдан келтирилган. Шунингдек, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш суръатлари йил охирида миқдор жиҳатдан ортиш ўрнига (баъзиларида қисман ўсиш кузатилган) олдинги йилга нисбатан пасайиш ҳоллари кузатилди. Буни куйидаги жадвалда кўриш мумкин:

3-жадвал. Ноозиқ-овқат молларининг айрим турларини ишлаб чиқариш [20. 52-53]

| Маҳсулотлар номи | 1980 | 1985 | 1986 | 1987 | 1988 | 1989 | 1990 |
|---|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Ип газламалари, млн. погон метр. | 215,7 | 395,2 | 405,1 | 447,7 | 501,7 | 521,2 | 503,1 |
| Ипак газламалари, млн. погон метр. | 116,6 | 148,4 | 139,1 | 143,8 | 149,3 | 156,1 | 156,0 |
| Газлама типдаги нотўқима материаллари, млн. погон метр. | 23,5 | 95,4 | 100,4 | 100,8 | 106,9 | 98,3 | 98,2 |
| Пайпоқ маҳсулотлари млн. жуфт | 62,8 | 88,4 | 102,4 | 113,6 | 133,4 | 165 | 164,7 |
| Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона | 85,5 | 105,2 | 132,3 | 168,8 | 108,6 | 187,3 | 175,8 |
| Пойафзал, млн. жуфт | 45,1 | 53,1 | 55,9 | 61,7 | 68,1 | 70 | 72,6 |
| Музлатгичлар, минг дона | 63,7 | 69,0 | 90,2 | 143,0 | 170,0 | 191,5 | 201,0 |
| Мебел (чакана нархларда), млн. сўм | 142,1 | 203,3 | 212,1 | 221,1 | 247,8 | 271,7 | 292,1 |
| Чинни-фаянс ва сирланган идишлар, млн. дона | 76,4 | 63,9 | 64,1 | 64,7 | 66,2 | 69,7 | 72,5 |
| Ювувчи синтетик воситалар, минг | 30,7 | 27,5 | 30,7 | 30,8 | 33,5 | 35,3 | 37,0 |

| | | | | | | | |
|------------------------|------|------|------|------|------|-------|-------|
| тонна | | | | | | | |
| Кир совун, минг тонна | 80,1 | 90,2 | 92,7 | 92,9 | 98,4 | 100,6 | 104,0 |
| Атир совун, минг тонна | 18,5 | 10,6 | 12,5 | 13,6 | 14,5 | 16,3 | 17,0 |

Изоҳ: *жадвалда келтирилган пайпоқ, трикотаж, пойафзал маҳсулотлари муаллиф томонидан қўшиб ҳисоблаб чиқилган бўлиб, айрим статистик маълумотларда ушбу турдаги товарлар катталар ва болалар учун алоҳида ажратиб берилган.

Енгил саноатнинг кўплаб тармоқларида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш йиллар давомида бартараф этилмади. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишининг асосий сабабларидан бири - бу, саноат корхоналари моддий-техника базасининг яхши эмаслиги, дастгоҳларнинг эскириб қолганлигида эди. Америкалик иқтисодчиларнинг маълумотларига қараганда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатли, рақобатбардош бўлишининг 80-85 фоизи техника ва технологияга, 15-20 фоизи эса ишчи кучига боғлиқ [21, 49]. Лекин, кўриб ўтилган йилларда бундай омилларга етарли даражада эътибор қаратилмади. Оқибатда катта сарф-харажатлар эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг маълум қисми сифат жиҳатидан талабга жавоб бермаган.

4-жадвал. Енгил саноат вазирлиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган айрим турдаги маҳсулотларнинг сифатсиз деб топиллиши (% ҳисобида) [22, 52-53]

| Маҳсулотлар номи | Тузатишга қайтарилган ва паст нав белгиланган | | | | | |
|------------------------|---|------|------|------|------|------|
| | 1985 | 1986 | 1987 | 1988 | 1989 | 1990 |
| Ип газламалари | 6,0 | 15,4 | 9,6 | 5,5 | 5,9 | 7,5 |
| Жун газламалари | 0,8 | 1,0 | 4,4 | 2,7 | 0,5 | 4,8 |
| Ипак матолар | 2,6 | 2,1 | 2,3 | 5,4 | 7,2 | 3,9 |
| Устки ва ички кийимлар | 13,3 | 16,7 | 15,8 | 17,3 | 14,8 | 14,2 |
| Пайпоқ | 14,9 | 36,2 | 12,9 | 16,3 | 22,2 | 33,9 |
| Трикотаж маҳсулотлари | 16,5 | 15,2 | 21,7 | 14,9 | 17,8 | 16,6 |
| Пойафзал | 8,5 | 8,3 | 7,6 | 7,4 | 10,6 | 12,8 |

Маълумотлардан кўринадики, саноат корхоналаридаги технологияларнинг замон талабларидан ортда қолиши ва эскириши ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатига салбий таъсир кўрсатган.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида ҳам моддий-техник таъминот талаб даражасида бўлмаган. Кўпгина соҳа корхоналари текширилганда, аксарият корхона ва комбинатлар моддий-техник ҳолатининг қониқарсизлиги натижасида режалар бажарилмаган, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани аниқланган. Масалан, Наманган нон комбинати 1984 йилда режадаги 1500 тонна ўрнига 1380 тонна ун қабул қилган. Бунинг сабаби, 8 та ун омборидан фақат 3 таси ишчи ҳолатида бўлган. Комбинатда ускуналар 1965 йилда ўрнатилган бўлиб, қолган омборларнинг техник аҳволи ун қабул қилишга яроқли бўлмаган. Комбинатдаги ун ўтказувчи ва филтрловчи мосламалар чириб, яроқсиз бўлиб қолган. 1979-1983 йилларда ускуналарни тузатиш ва таъмирлаш бўйича ҳеч қандай таклифлар бўлмаган. 1984 йилда юборилган 10 та таклифдан фақат 6 таси қондирилган, холос [23. 74-75]. Комбинатда 1984 йил 23 мартдаги текширувга кўра, 52996 кг. нон ва нон маҳсулотларидан 540 кг, 15200 кг, макарондан 1650 кг сифатсиз деб топилган.

Кўқон гўшт комбинатида 1985 йил январь ойида ўтказилган текширувда 1,2 тонна, май ойидаги текширувда эса 0,8 тонна гўшт маҳсулотлари, Фарғона сут маҳсулотлари комбинатида 18,7 ва 2,2 тонна ва Госстандарт томонидан 11 тонна сут маҳсулотлари яроқсиз, деб топилган [24,64]. Бундай ҳолатларни озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқларида ҳам кўриш мумкин эди.

Озиқ-овқат саноати корхоналаридаги асосий муаммолардан яна бири омборларнинг моддий-техник ҳолати маҳсулот сақлаш талабларига жавоб бермаслигида эди. Ҳатто мевасабзавот маҳсулотларини сақлашда ҳам жиддий муаммолар мавжуд эди. Хусусан, биргина Наманган вилоятида 1988 йил учун 2800 гектар майдонга картошка экиш учун ажратилган 8628 тонна уруғликдан 1172 тоннаси яроқсиз ҳолга келган. Бунинг сабаби сақловчи омборларнинг яроқсиз ва қониқарсизлиги эди. Айрим омборларда оддий талаблар ҳам бажарилмаган, уларга ҳарорат ва намлик ўлчагич асбоблар қўйилмаган. Янгиқўрғон туманидаги Заркент совхозида 18 тоннадан зиёд уруғлик яроқсиз ҳолга келган, бундан совхоз 6370 сўм зарар кўрган [25].

ТАРИХ

Республикада озиқ-овқатлар, сабзавотлар, мева, узум, чорвачилик маҳсулотлари етишмаётган шароитда омборлар ва совутгичларнинг етарли бўлмагани кўп маҳсулотларнинг нест-нобуд бўлишига олиб келган. Озиқ-овқат саноатида, айниқса, тараларнинг етишмаслиги жиддий муаммолардан бири бўлиб, бу ҳам маҳсулотни ташиш ва сақлаш вақтида нобудгарчилиқнинг кўпайишига сабаб бўлган [26, 37]. Шунингдек, ёғ-мой саноатида чигит сақловчи омборлар қурилишида ҳам ишларнинг аксарияти бажарилмаган. 1989 йилда тармоқнинг 7 корхонасида бир вақтнинг ўзида 75 минг тонна чигит сақланадиган омборхона қурилиши режалаштирилган бўлиб, амалда ишларнинг 20 фоизи бажарилган, холос. Бунинг натижасида 1989 йилнинг тўққиз ойи мобайнида ёғ-мой корхоналарида 13,7 минг тонна чигит исроф бўлган, оқибатда ёғнинг исрофгарчилиги 2,3 минг тоннани ташкил этган. Тармоқ бўйича хомашё нобудгарчилиги режада 6,41 фоиз белгилангани ҳолда Қўқон ёғзавоидида 12,7 фоиз, Косон ёғ завоидида 10,8 фоиз хомашёнинг нобудгарчилиги кузатилган [27, 5]. Айти пайтда, ёғ-мой корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги аниқланган. Ачинарли томони шунда эдики, йил давомида катта меҳнат ва қийинчиликлар эвазига етиштирилган тонналаб хомашё сақловчи омборларнинг талабга жавоб бермаслиги натижасида катта йўқотишларга йўл қўйилган.

Қайта қуриш йилларида барча соҳалар қатори энгил ва озиқ-овқат саноати борасида ҳам бирқатор чора-тадбирлар, хусусан, саноат корхоналарининг моддий-техник базасини яхшилаш, малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган дастурнинг асосий йўналишларида қатор вазифалар белгиланган эди. Аммо бу дастурда белгиланган режаларни бажаришда сусткашлик қилинган бўлса, иккинчи томондан маъмурий буйруқбозликка асосланган сиёсий тизимнинг ҳам салбий таъсири катта бўлди. Бу каби омиллар 80-йиллар охирига келиб энгил саноатда бўлгани каби, озиқ-овқат саноатида ҳам ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига олиб келди.

5-жадвал. 1975-1990 йилларда озиқ-овқат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш [28]

| Маҳсулотлар номи | 1975 | 1980 | 1982 | 1985 | 1986 | 1987 | 1988 | 1989 | 1990 |
|---------------------------------------|------|-------|------|-------|-------|-------|-------|--------|-------|
| Гўшт, минг тонна | 147 | 160,4 | 212 | 232,3 | 242,9 | 252,6 | 266,1 | 276,2 | 270,1 |
| Колбаса, минг т | 43 | 51 | 51 | 54 | 56 | 58 | 60 | 63 | 62 |
| Балиқ, минг т | 15 | 17 | 20 | 27 | 28 | 27 | 26 | 26 | 27 |
| Мол ёғи, минг т | 8,6 | 11,8 | 13,6 | 10,9 | 14,5 | 15,0 | 15,6 | 16,4 | 15,9 |
| Сут, минг т | 329 | 454 | 512 | 554 | 587 | 616 | 653 | 675 | 684 |
| Ўсимлик мойи, минг т | 431 | 412 | 427 | 451 | 508 | 510 | 498 | 513 | 514 |
| Консерва, млн. шартли банка | 538 | 725 | 750 | 881,5 | 1060 | 1135 | 1211 | 1149,9 | 1122 |
| Қандолат маҳсулотлари, ** минг т | 101 | 151 | 155 | 165 | 169 | 173 | 191 | 205 | 218 |
| Алкоголсиз ичимликлар, минг дека литр | 5661 | 6640 | 9119 | 11938 | 14355 | 15695 | 17079 | 17733 | 17695 |

Изоҳ: бу маълумотлар саноат ишлаб чиқаришга оид бўлиб, аҳоли хўжалигидаги ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ўз ичига олмайди.

** Умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари бунга кирмаган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, озиқ-овқат саноатида гўшт, колбаса, консерва, алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш 1990 йилга келиб пасайган, қолган турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш суръати юқори бўлмаган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, моддий таъминотда бўлганидек, саноат ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш масалалари бўйича ҳам Ўзбекистон иттифоқдош республикалар орасида охириги ўринларда бўлган. Мисол учун, Белоруссияда 10 миллион аҳолига 1550 саноат корхонаси тўғри келган, Қозоғистонда 16 миллион аҳолига 2220 та, Ростов областида 4,3 миллион кишига 7511 та, Красноярск ўлкасида 3,2 миллион кишига 700 саноат корхонаси тўғри келган бўлса, Ўзбекистонда 20 миллион аҳолига 1556 саноат корхонаси тўғри келган [29. 41].

Республикада 1970-80 йиллар бошида қурилган саноат корхоналари дастлабки даврда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатган бўлса-да, кейинги даврда кўплаб саноат

корхоналарининг моддий-техник ҳолатига йиллар давомида эътибор берилмаганлиги ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиб кетишига олиб келган. Айти пайтда фан-техниканинг илғор ва самарали ютуқларини саноат ишлаб чиқаришига жорий этиш борасида ҳам собиқ Иттифоқ ривожланган давлатлардан ортда қолиб кетди. Бу ҳолат асосан 1980 йиллардан яққол намоён бўлди.

Бугунги кунда аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш учун саноат корхоналарини сон жиҳатдан кўпайтириш билангина эмас, балки, корхоналарнинг моддий-техник базасини замон талабларига ҳамоҳанг тарзда янги техника ва технологиялар билан таъминлаб бориш эвазига кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000.
2. Мирзо Кенжабек. Ҳақиқат тежалмаса эди // Ҳаёт ва иқтисод. -1990. -№1.
3. Раупов Х. Ўзбекистон енгил ва озиқ-овқат саноатининг аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш тарихидан (1945-1965 йиллар). Тар.фан. ном. илм. дар.олиш учун ёзилган дисс. – Бухоро, 1997.
4. ЎзР МДА, 2582-фонд, 1-рўйхат, 4518-йиғма жилд, 18-варақ.
5. ЎзР МДА, 2834-фонд, 1-рўйхат, 619-йиғма жилд, 83- варақ.
6. ЎзР МДА, 2834-фонд, 1-рўйхат, 621-йиғма жилд, 1-варақ.
7. Бобожонова Д. Енгил саноатда фан -техника тараққиёти. – Т.: Ўзбекистон, 1986.
8. ЎзР МДА, 2582-фонд, 1-рўйхат, 4518-йиғма жилд, 78-варақ.
9. ЎзР МДА, 2582-фонд, 1-рўйхат, 4518-йиғма жилд, 80-варақ.
10. ЎзР МДА, 2834-фонд, 1-рўйхат, 4518-йиғма жилд, 81-варақ.
11. ЎзР МДА, 2834-фонд, 1-рўйхат, 4518-йиғма жилд, 85- варақ.
12. ЎзР МДА, 2582-фонд, 1-рўйхат, 4682-йиғма жилд, 77-варақ.
13. ЎзР МДА, 2582-фонд, 1-рўйхат, 4682-йиғма жилд, 28-варақ.
14. Бобожонова Д. Енгил саноатда фан -техника тараққиёти. – Т.: Ўзбекистон, 1986.
15. ЎзР МДА, 2582-фонд, 1-рўйхат, 4682-йиғма жилд, 78-варақ.
16. Тўхлиев Н. Бозорга ўтишининг машаққатли йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
17. Юсупова Н.М. Ишлаб чиқариш аппаратини янгилаш, модернизациялаш самарадорлиги. – Т: Ўзбекистон, 1988.
18. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти: саволлар ва жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 1991.
19. Зиёдуллаев С. Моддий неъматлар ишлаб чиқаришининг аҳволи ва резервлари // Инсон ва сиёсат, -1991. -№ 9.
20. Узбекистан в цифрах в 1990 г. Краткий статистический сборник. –Т.: Узбекистон, 1991.
21. Чориев А., Чориев С. Миллатлараро муносабатлар маданияти. – Қарши: 1993.
22. Узбекистан в цифрах в 1990 г. Краткий статистический сборник. –Т.: Узбекистон, 1991.
23. ЎзР МДА, 2582-фонд, 1-рўйхат, 4305-йиғма жилд, 74-75 варақ.
24. ЎзР МДА, 2582-фонд, 1-рўйхат, 4313-йиғмажилд, 64-варақ.
25. Наманган ҳақиқати. 1989 йил 3 март.
26. Зиёдуллаев С. Моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг аҳволи ва резервлари // Инсон ва сиёсат. -1991. -№ 9.
27. Ёғ-мой саноатида мой берадиган хом ашёдан яхшироқ фойдаланилсин // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, -1990. -№ 4.
28. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1982 г. Стат. ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1983. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Стат. ежегодник. –Т.: Узбекистан, 1989. Ўзбекистон ўн иккинчи беш йилликда. Қисқача статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 1990. Узбекистан в цифрах в 1990 г. Краткий статистический сборник. –Т.: Узбекистан, 1991.
29. Бекметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар. – Т.: Меҳнат, 1992.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)